

АМАЛИЙ СЕМИНАР ҲАҚИДА

“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг Маркетинг бўлими томонидан “Сирдарё Телеком” филиалида “Мижозлар билан мулоқот қилишнинг психологик жиҳатлари” мавзусида амалий семинар ўтказилди. Уни психолог Р.Мўминова ва “Ўзбектелеком” АК Маркетинг бўлими бошлиғи А.Азимовлар олиб борди.

Алоқа ходимларида мижозлар билан мулоқот қилишнинг психологик жиҳатлари ва муомала қилиш маданиятини оши-

ришга бағишланган ушбу семинарда туман ҳамда шаҳар телекоммуникация боғламалари Мижозлар билан ишлаш бўлими ходимлари, катта телефончи ва телеграфчилар иштирок этдилар.

Семинар давомида алоқачилар ўртасида психологик “Ишчан уйин”лар ташкил этилди. Унда Сайхунобод ва Ховос телекоммуникациялар боғламалари Мижозлар бўлими бошлиқлари М.Қодирова, Ф.Файзулина ҳамда Гулистон шаҳар телекоммуникация боғламаси ходимла-

ридан М.Линева ва Т.Василеколлар фаол катнашдилар. Алоқа ходимларининг мижозлар билан муомала қилиш маданиятини ошириш, мулоқотлар олиб бориш усуллари бўйича фойдали маслаҳатлар берилди.

Маъмур тадбир “Сирдарё Телеком” филиали телекоммуникация боғламалари ходимларининг мижозлар билан муомала қилиш маданиятини яхшиланганига хизмат қилиши шубҳасиз.

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

“Сирдарё Телеком” филиали қишлоқ жойларда яшовчи аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича тасдиқланган режа асосида иш олиб бормоқда.

Ҳақинда Сирдарё туманидаги “Малик” ширкатлар уюшмаси марказида ишлаб турган 6000 рақамли АТСК 100/2000 русумли координат станциясига АОН (автоматик равишда рақамларни аниқлаш) ускунаси ўрнатилди. Натижада қишлоқ аҳолиси “В” рақами орқали шаҳарлараро ва халқаро алоқага

чиқиш имкониятига эга бўдилар. Бу ишларни амалга оширишда “Сирдарё Телеком” филиали бош муҳандиси А.Агалиев раҳбарлигида ишлаб чиқариш техника лабораторияси ходимларидан Т.Дадабоев, П.Арзикулов ва Ш.Умаровларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи ярмида Сирдарё туманидаги “Ўзбекистон”, Боёв туманидаги “1-Боёв” ширкатлар уюшмаларида ишлаб турган АТСК-50/200 ва 100/2000 русумли станцияларига ҳам АОН уску-

наси ўрнатиш режалаштирилган.

Хуллас, корхона жамоаси вилоятда электралқани замонавий талаблар асосида ривожлантириш, янги ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда мижозларга узлуксиз ва сифатли алоқа хизмати кўрсатиш йўлида самарали меҳнат қилишмоқда.

У.РАЖАБАЛИЕВ,
“Сирдарё Телеком” филиали етакчи муҳандиси

“ҚОРАҚАПОҚ ПОЧТАСИ”

акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилиши 2003 йил, 12 март куни соат 11⁰⁰да Нукус шаҳри, “Қорақалпоғистон” кўчаси, 7-уйда ўтказилади.

Рўйхатдан ўтиш шу куни соат 10⁰⁰дан бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Почта алоқа корхонаси хўжалик фаолиятининг 2002 йилги иш якунлари ва 2003 йил вазифалари.
2. Акциядорлик жамиятининг 2003 йил учун тайёрланган бизнес-режасини асосий кўрсаткичлар, хизмат кўрсатиш ҳажми ва фойдасини оширишни кўзда тутиган ҳолда кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш.
3. Акциядорлик жамияти хўжалик фаолиятининг 2002 йил иш якунлари баланси, аудиторлик текшируви хулосаси, тафтиш гуруҳи далолатномасини тасдиқлаш.
4. Соф фойда тақсимланганини тасдиқлаш.
5. Дивиденд тўлови.
6. 2003 йил учун аудиторни тасдиқлаш.
7. Кузатув Кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
8. Кузатув Кенгашининг 2002 йилдаги иш фаолияти.
9. Акциядорлик жамияти директорини бир йил муддатга ишга ёллаш бўйича шартнома тузиш ёки уни бекор қилиш.
10. Акциядорлик жамияти Уставига ўзгартириш киритиш.
11. Акциядорлик жамияти Устав жамғармасидаги давлат улushi.
12. “Ўзбекистон почтаси” ДАК тузилмасидаги акциядорлик жамиятлари ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш ва қайта ташкил этиш.

Кузатув Кенгаши

“ЎЗБЕКИСТОН МАРКАСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

акциядорларининг 2002 йилги умумий мажлиси 2003 йил, 13 март куни соат 10⁰⁰да Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-йўй, “Ўзбекистон маркази” АЖ бивосиди ўтказилади.

Акциядорлар 9⁰⁰дан бошлаб рўйхатга олинади. (Ўзлари билан паспорт бўлиши шарт).

КУН ТАРТИБИ:

1. Кузатув Кенгаши давлат ишончли вакили ҳисоботи ва фаолияти тўғрисида.
2. 2002 йилги хўжалик фаолияти ва 2003 йил вазифалари тўғрисидаги акциядорлик жамияти директорининг ҳисоботи.
3. Акциядорлик жамиятининг 2003 йилга тайёрланган бизнес-режасининг асосий кўрсаткичлари – соф фойда олиш, самардорликни ошириш, дивидендларни тўлаш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини оширишни белгиланган ҳолда кўриб чиқиш.
4. Акциядорлик жамияти молиявий-хўжалик фаолиятининг 2002 йил иш якунлари балансини тасдиқлаш, аудиторлик текшируви хулосаси, тафтиш гуруҳи далолатномаси.
5. Соф фойда тақсимланганини тасдиқлаш.
6. Дивидендлар тўлови тўғрисида.
7. 2003 йил учун аудиторни тасдиқлаш.
8. Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.
9. Акциядорлик жамияти Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
10. Акциядорлик жамияти директорининг бир йил муддатга ишга ёллаш бўйича шартнома тузиш (қайта тузиш).
11. Акциядорлик жамияти Низом жамғармасидаги давлат улushi тўғрисида.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил, 24 январдаги “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улushi ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3202-сонли Фармони бажариш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги Р-1708-сонли Фармойишига асосан, акциядорлик жамияти ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш. Низом жамғармалари ҳажмининг Президент Фармонида кўрсатилган миқдорга келтириш ва қайта ташкил этиш.
13. Почта алоқаси соҳасига инвесторларни жалб қилиш.

Кузатув Кенгаши

“ТОШКЕНТ ПОЧТАМИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2003 йил, 17 март куни соат 10⁰⁰да Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 7-уйда ўтказилиши маълум қилади.

Рўйхатдан ўтиш 9⁰⁰да бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорлик жамияти директорининг 2002 йилги хўжалик фаолияти ва 2003 йилги вазифалар тўғрисидаги ҳисоботи.
2. Акциядорлик жамиятининг 2003 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш (бизнес-режа) прогнозини тасдиқлаш.
3. Акциядорлик жамияти хўжалик фаолиятининг 2002 йил иш якунлари баланси, аудиторлик текшируви хулосаси.
4. Соф фойда тақсимланганини.
5. Дивидендлар тақсимланганини.
6. 2003 йил учун аудиторни тасдиқлаш.
7. Кузатув Кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
8. Кузатув Кенгашининг фаолияти ҳақидаги ҳисобот.
9. Акциядорлик жамияти директори билан меҳнат шартномаси тузиш.
10. “Ўзбекистон почтаси” ДАК таркибидаги акциядорлик жамиятларини қайта ташкил этиш.

Акциядорлар рўйхати 2003 йил, 15 февралдаги ҳолатга кўра тузилган.

Маълумотлар билан йиғилиш бошлангандан бир ҳафта олдин танишиш мумкин.

Кузатув Кенгаши

МАХСУС ЛОЙИХАЛАШТИРИШ АЛОҚА КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИ “PRENOS” АЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

акциядорларининг умумий йиғилиши 2003 йил, 18 март куни соат 14⁰⁰да Тошкент шаҳри, Академик Фуломов кўчаси, 2-уйда ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорлик жамияти директорининг 2002 йилги хўжалик фаолияти якунлари ва 2003 йилга белгиланган вазифалар ҳақидаги ҳисоботи.
2. Тафтиш комиссияси ҳисоботи ва аудиторлик текшируви хулосасини тасдиқлаш.
3. Бухгалтерлик баланси, фойда ва камомат ҳисобларини тасдиқлаш.
4. 2002 йилги дивидендлар ҳажми ва фойдасини тақсимлаш.
5. Кузатув Кенгаши ҳисоботи ва келгуси мавсумга режалаштирилган асосий вазифалар.
6. 2003 йилга мўлжалланган бизнес-режа ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
7. Аудиторни тасдиқлаш.
8. Устав жамғармасининг минимал ҳажми ҳақида.
9. Уставга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
10. Кузатув Кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
12. Директорни тасдиқлаш.

2002 ЙИЛ БАЛАНСИ

минг сўм

Кўрсаткичнинг номлари	Актив	Пассив
I. Узоқ муддатли активлар	8371	
II. Айланма активлар:		
— ишлаб чиқариш захираси	17772	
— моддий воситалар	13927	
— дебиторлар билан ҳисоб-китоб	1548	
III. Шахсий маблағлар манбаи:		3536
— устав жамғармаси		20882
— қўшимча капитал		896
— тарқатилмаган фойда		980
IV. Мажбурият		15324
БАЛАНС	41618	41618

Баланс “SIFAT AUDIT” аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил, 12 ноябрдаги 00273-сонли лицензиясини олган.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш 13⁰⁰ да бошланади.

Маълумотлар билан йиғилишдан олдин танишиш мумкин.

“ТОШКЕНТ ТАКСОФОНИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

акциядорларининг умумий йиғилиши 2003 йил, 17 март куни соат 15⁰⁰да Тошкент шаҳри, Фитисов кўчаси, 2-уйда ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Тошкент таксофони” АЖнинг 2002 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари тўғрисидаги ҳисобот.
2. 2002 йилги бухгалтерлик баланси, йиллик ҳисоботни тасдиқлаш.
3. 2002 йил якунига кўра дивиденд ва соф фойдани тақсимлаш.
4. Кузатув Кенгаши фаолияти ҳақида.
5. “Тошкент таксофони” АЖ директори билан меҳнат шартномаси тузиш.
6. 2003 йилга мўлжалланган бизнес-режани тасдиқлаш.
7. Тафтиш комиссияси ҳисоботи ва 2003 йил учун аудиторни тасдиқлаш.

Кузатув Кенгаши

“ALSKOM” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ

акциядорларига 2002 йил якунлари бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши 2003 йил, 18 март куни соат 15⁰⁰да Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (Тошкент ш., А.Толстой кўчаси, 1-уй) бивосиди ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Компания фаолиятининг 2002 йилдаги асосий натижалари тўғрисида бош директор ҳисоботи ва компаниянинг 2003 йилга мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
2. Акциядорлик жамиятининг 2002 йилдаги молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. Компания Кузатув Кенгаши шахсий таркибини қайта сайлаш.
4. Компаниянинг 2003 йилги молия-хўжалик фаолияти текшириш учун аудиторни тасдиқлаш.
5. 2002 йил учун дивиденд ҳисоблаш ва тўлаш тўғрисида.

Кузатув Кенгаши

ЭЪЛОН!

Қибрай тумани 1-касбхўнах раисининг томонидан Алимжон Ҳамитбаевич ПУЛАТОВГА 2000 йил, 1 июлда берилган КХТ 071879-сонли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин!

“Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали жамоаси корхонанинг Телекоммуникация тармоқлари истиқболини ривожлантириш бўлими етакчи муҳандиси Е.Шевченкога онаси **Надежда ШЕВЧЕНКО**нинг вафот этганлиги муносибати билан чуқур ғазия биддилади.

Кузатув Кенгаши

“Ўздунробита” Ўзбек-Америка қўшма корхонаси қисқа давр ичида мамлакатимизда уяли алоқа хизматини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича жуда катта ишларни амалга оширишга эришди. Хусусан, 1992 йили NMT-450 станцияси ишга туширилган бўлиб, у бор-йўғи 500 абонентга хизмат кўрсатарди. Аммо ўша давр нуктаи назаридан бу жуда катта тармоқ ҳисобланар эди. Кейин унинг ўрнини Американинг AMPS андозаси, сўнгра рақамли D-AMPS эгаллади. Корхона уларни тез суръатларда жорий этиб, республиканинг деярли барча ҳудуди уяли алоқа билан қамраб олинди. Бугунги кунда 60 минг абонент “Ўздунробита” хизматидан фойдаланиб келмоқда.

“Ўздунробита” замонавий алоқа соҳасида янги-янги довларни забт этиб, янада юқори чўқиларга интилмоқда. Янги GSM андозасига ўтилгани бунга ёрқин мисолдир. Эътиборлиси шундаки, қўшма корхона AMPS-D/AMPS тармоқларини саклаб қолган ҳолда GSM 900/1800 андозасидаги янги тармоқни ривожлантириш ва жорий этишга киришди. Янги андозага ўтиш жараёнига пухта тайёргарлик кўрилди. Республика ҳамда жохон бозорлари ўрганилди, мониторинг ўтказилди, рақобатчи компанияларнинг ишлари таҳлил қилинди, бозорнинг истиқболдаги имкониятлари белгилаб олинди. Дунёга машҳур бўлган, ускуналари сифатли ва энг муҳими мақбул нархларда сотиладиган таъминотчилар танланди.

Бир йўла икки шаҳар — Тошкент ва Самарқандда янги ускуналарни монтаж қилишга киришилди. Ўзбекистон Мустақиллигининг 11 йиллиги байрами арафасида компания томонидан GSM андозасини ўзлаштириш бўйича янги лойиҳаларнинг тақдимот маросими ўтказилди. Ушбу тадбирларда қўшма корхона фаолиятининг 10 йиллиги ҳам нишонланди.

“Ўздунробита” янги андозаларни жорий этган ҳолда, қатор чет эл компаниялари билан ҳамкорлик қилмоқда. Компанияга базавий станциялар, коммутатор-репитер, ретранслятор (олиб узатиш) учун мўлжалланган кўчмас ускуналарни Швециянинг машҳур “Эриксон” ва Хитойнинг “Хуawei” компаниялари етказиб беради. Финляндиянинг “Нokia” компанияси эса корхонада маркетинг ва рекламани ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилади.

Тошкент шаҳрининг бир қатор туманларида 50 та базавий станция ўрнатилди. Бу деярли бутун шаҳар ҳудудини барқарор сигналлар билан қамраб олиш имконини берди. Самарқандда эса 10 та базавий станция монтаж қилинди. Шунинг учун ҳозир абонентлар ҳеч қандай ноқулайликни ҳис этишмаяпти. Аксинча, улар исталган вақтда доимий ва сифатли алоқа хизмати билан таъминланмоқда.

Айни чоғда GSM тармоғига уланishi учун “Экслюзив” ва “Прессиж” ускуналари тавсия этилмоқда. “Экслюзив” — жуда қулай ва арзон хизмат тури. Қулайлиги шундаки, унда ҳеч қандай лимитлар йўқ, фақат битта

қоида бор: гаплашилганига қараб ҳақ тўланади. Айтилиқ, бир ойлик абонентлик тўлови 2 АҚШ доллари бўлгани ҳолда, ташқарида кўнғирок бўлса, 0,08 цент, ўзи кўнғирок қилса, 0,10 цент ҳақ олинади. Бу суммага 20 фоизли қўшимча қиймат солиғи ҳам қирилади. Табиийки, хизмат ҳақи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тўлов ўтказилаётган кунга белгиланган курс бўйича сўмда олинади.

“Прессиж” — ишбилармонлар ҳамда сўзлашув муддатини чекламайдиганлар учун қулайроқ,

қўнғонда ҳам ушбу янгилик жорий этилди. Икки ҳафтадан сўнг эса “Ўздунробита” компанияси Хоразм вилояти маркази — Урганч ва Хивада GSM тармоғини ўрнатди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги байрами арафасида бу ерда янги тармоқнинг тақдимот маросими ўтказилди.

Нукус шаҳрининг 70 йиллиги байрами олдидан бу ерда ҳам янги андозадаги тезкор алоқа тармоғи фойдаланишга топширилди. Шундан сўнг тез орада Чирчиқ шаҳрида “Ўздунробита” объекти ишга туширилиб, Чимён, Қорбоғ, Белдирсой дам олиш зоналари шундай алоқа хизмати билан таъминланди. Бухоро, Олмалиқ Янгийўл ва Ангрэн шаҳарларида ҳам корхонанинг янги GSM тармоғи ускуналарини сошлаш ишлари якунланди. Навбат — Термиз, Қарши шаҳарларига. Бу ерларда ҳам янги ускуналарни ўрнатиш жадал суръатларда давом этмоқда. Қисқаси, “Ўздунробита” қўшма кор-

хонасининг 2003 йилга мўлжалланган режалари қатта. Шунингдек, ноябр ойида тарифлар яна арзонлаштирилди ва “Минимал”, “Техамли”, “Бизнес”,

“Прессиж” каби янги хизмат режалари жорий этилди. Бунда анчагина чегирма ва имтиёзлар назарда тутилганди.

DAMPS андозаси бўйича абонентларга ажойиб янги йил совғаси ҳадя этилди — 2003 йил, 1 январдан бошлаб DAMPS тизимида рўйхатга олишнинг ягона зонаси жорий этилди. Энди барча маҳаллий кўнғироклар, абонент республиканинг қайси ҳудудда бўлишидан қатъи назар, хизмат кўрсатиш режасига мувофиқ тарифификация қилинади.

“Ўздунробита” компаниясига нуфузли мукофотлар берилгани ҳақида Брюссел ва Париждан хушхабар келди. Аввало, “EMK-5” бозорни ўрганиш Европа Маркази корхона телекоммуникация хизмати кўрсатиш борасида алоҳида ютуқларга эришгани учун кетма-кет “ЕвроМаркет мукофоти” билан тақдирлади. Бу компания фаолиятига халқаро ҳамжамият томонидан берилган катта баҳодир.

Иккинчи мукофот Франциянинг Саноатга қўмаклашиш ассоциацияси томонидан олинди. Бу корхонани барқарор ривожлантириш, республика саноати ва иқтисодиёти тараққиётга қўмаклашиш, юксак хизмат сифати борасида эришган ютуқлари учун берилган “Олтин медал”дир. Айни шу мукофот корхона фаолияти ютуқлари халқаро миқёсда эътироф этилганини билдирувчи экспертлар хулосаси асосида ташиқил қўлганга тўнган тақдим этилди. Ушбу мукофот билан бирга “Ўздунробита” қўшма корхонасига Саноатга қўмаклашиш ассоциациясининг ҳақиқий аъзоси бўлиш ҳуқуқи ҳам берилди.

Пировардида шуни таъкидлаш жоизки, “Ўздунробита” ўзининг минглаб абонентларига орзиқиб қутилаётган халқаро роуминг хизматини тавсия этадиган кўнғур ҳам яқинлашиб қолди. Халқаро роуминг — бутун дунё бўйлаб алоқа қилиш демакдир. Бошқача қилиб айтганда, қўшма корхона замонавий алоқа хизмати чўқилари сари дадил қадам ташлашда изчил давом этмоқда.

А.КУДИНОВ



ЎЗАРО РАҚОБАТ: НАМОНА ВА ХИЗМАТ СИФАТИ




1999 йилга қадар Хитой уяли телефон бозоридagi кураш жаҳон бозоридagi курашдан ҳеч ҳам фарқ қилмасди. Хитойдаги асосий “ўйинчилар” ҳам ўша жаҳоннинг етакчи компаниялари — Motorola, Nokia ва Siemensлар эди. 2001 йилга мобил телефонлар савдосининг 70 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келган.

Ўша пайтларда Хитойнинг Bird ва Xiaohu компаниялари эндигина бозорга кириб келатган ва хорижий монополларга қаршилик кўрсата олмас эди. Бироқ сифат ва хизмат турларини яхшилаган хитой та-

биркорлари аста-секин бозорнинг баъзи секторларини эгаллай борди. Бора-бора маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рейтингини ўсиб, маҳсулот сифати яхшиланди. Шу тарафда узоқ йиллар давом этган хориж компанияларнинг монополияси барбод қилинди. Лекин бу рақобат йўқолиб қолгани эмас, аксинча асосий кураш энди бошланди. Сиз эмаски, Хитойнинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичи бир неча йилдан буён 7-8 фоизни ташкил қилмоқда. Бу ўз-ўзидан аҳоли турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади. Ҳозирда қарийб ярим миллиард хитойликнинг шахсий мобил телефондан фойдаланиши учун моддий имкониятлари етарли. Шундай экан, бундай катта бозорни ҳеч ким осонликча ташлаб кетмайди.

Жорий йили Хитой компаниялари ўз маҳсулотларини нарҳини туширган ва намуналарини яхшилаган ҳолда рақибларига жиждий қаршилик кўрсатишни режалаштирмоқда.

БУШ ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИ ЖОРИЙ ҚИЛДИ



турлаштирилади. Ундаги маълумотларни АҚШ ҳукумати таркибидagi махсус тузилган мустақил комиссия кузатиб боради.

Кўпгина жамоатчилик аъзолари бундай дастурларни қўллаб-қувватлашини билдирган, лекин ҳамма ҳам бу фикрда тўхтагани йўқ. Интернетдан фойдаланишнинг чеклангани болаларга қандай таъсир қилади, ҳали маълум эмас.

Internetdan olindi

ОЛОВ ЁВДИР

Хавфсизлик қонун-қоидаларига риоя қилмаслик, давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг кўрсатма ва талабларини бажармаслик оқибатида 2003 йилнинг ўтган даврида Чилонзор туманида 15 та ёнгин содир бўлди. Бундан қўрилган моддий зарар 278000 сўмни ташкил этди. Энг ачинарлиси, ушбу ёнгинлар сабабли бир киши оғир тан жароҳати олди ва бир киши бевақ оламдан кўз юмди. Ёнгинлар асосан фуқароларнинг оловдан фойдаланишда эҳтиётсизлиги, чекилган сигарета қолдиқларини ўчирмасдан дуч келган жойга ташлаб кетишлари ва электр асбоб-ускуналаридан нотўғри фойдаланишлари ҳамда ёш болаларнинг олов билан ўйнашлари туфайли келиб чиққан.

Жорий йил, 13 январда ўчирилмаган сигарета қолдиқидан Чилонзор 8- мавзе, 1-уй шахтасида ёнгин содир бўлган. Оқибатда учта қаватдаги шахта эшиклари ёниб кетган.

11 феврал кuni болаларнинг олов билан ўйнаши сабабли Олмазор мавзеси 15/2 уйда ёнгин содир этилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда шахримиз фуқаролари ва меҳмонларидан болаларни қаровсиз қолдирмасликларини ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя этишларини илтимос қиламиз.

А.АХМЕДОВ,

Чилонзор тумани ИИБ ЁХБ инспектори

